

## МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Сана: 12 май 2022 й

Фаргона шаҳар «Марказий  
деҳқон бозори» АЖ кузатув  
кенгаши акциядорларига

### Фикр.

Бизнинг фикримизча, аудит қилинган молиявий ҳисобот Фаргона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош аудитори Ботиров М Х томонидан (*Аудитор малака сертификати №-05052 25.08.2017 йилда Молия Вазирлигидан берилган*) Фаргона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 01 январдан - 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида "Бухгалтерия баланси" ва "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган "Хусусий капитал"даги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан ва "Пул оқимлари тўғрисида"ги ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиеъати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботи аудитини ўтказдик.

### Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти" номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва Фаргона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

### Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиқ бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

**Қонунчилик ва тартибга солувчи органларнинг бошқа талаблари бўйича ҳисобот.**

Аудиторлик ҳисоботи мазкур қисмининг шакли ва мазмуни аудиторнинг ҳисоботларини тақдим этиш бўйича бошқа вазифалари хусусиятига қараб ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар **Фаргона шаҳар «Марказий дехқон бозори»** акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳисоботини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти  
бош директори бош аудитори



**М.Х Ботиров**

*Аудитор малака сертификати №-05052  
2017 йил 25 августда Молия Вазирлиги  
томонидан берилган*